2011-yil 15-noyabr № 136 (3017) seshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

**Фермер — бугунги жамиятнинг энг фаол аъзоси. Энг фаолгина эмас, энг ишончли аъзоси.**

Ислом КАРИМОВ

## Янги кун янгиликлари

### Қорақалпоғистон

Нукусдаги «White Machine Technology» МЧЖ кўринишидаги Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси электроника жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, йилига 100 минг дона сифатли чанг ютгич ишлаб чиқаряпти. Бу ишлар 70 нафарга яқин маҳаллий йигит-қиз томонидан амалга оширилаётир.

### Навоий

Вилоятда тадбиркор ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида биргина «Микрокредитбанк» орқали коллеж ва лицей битирувчиларидан 270 нафари ўз қобилиятини тадбиркорликда синаб кўрди. Бу 270 та янги иш ўрни демакдир. Жами бўлиб уларга ажратилган кредитлар қиймати эса 558 млн. 700 минг сўмни ташкил этди.

«Микрокредитбанк»нинг кредитлаш бўйича етакчи мутахассиси Феруз Загитовнинг маълум қилишича, ҳозиргача ўз лойиҳаларини асослаб берган ёш битирувчиларнинг биронтаси бундай имкониятдан четда қолаётгани йўқ. Кредит олганларнинг кўпчилиги шу кунларда якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолиятларини бошлаб юборишган.

### Андижон

Юртимизда болаларни мусиқа ва санъатга ошно этиш, уларнинг истеъдодини тарбиялашга кенг эътибор қаратилмоқда. Пахтаобод тумани марказидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби учун 4 қаватли янги бино қуриб фойдаланишга топширилди. Санъат мактабини қуриш учун 1 млд. 470 млн. сўм маблағ сарфланди.

Бу ерда 9 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар санъатнинг турли соҳалари билан шуғулланиш имконига эга бўлишди.

### Қашқадарё

Шаҳрисабз туманидаги «Оқсарой» масъулияти чекланган жамияти «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қашқадарё минтақавий филиалидан 300 миллион сўм кредит олиб, паррандачилик билан шуғуллана бошлаган эди.

— Ушбу кредитнинг 24 млн. сўми ҳисобига Россиянинг «Балт ИЗА» корхонасидан 3500 та зотдор бройлер жўжалари сотиб олдик, — дейди жамият раиси Н.Баратов. — Кредитнинг 66 млн. 750 минг сўмига Хитой давлатидан махсус ускуналар келтирдик. Натижа ёмон эмас. Жамоа эл дастурхонига парҳезбоп парранда гўшти ва тухум етказиб беряпти. Энг муҳими, 10 га яқин киши иш билан таъминланди.

### Фарғона

Бувайда туманида «Losgigantes textile» қўшма корхонаси иш бошлади. Бу ерда пахта толаси қайта ишланиб, сифати халқаро талабга жавоб берадиган калава иплар, турли хил сочиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Корхонамиз замонавий технологиялар билан жиҳозланган, — дейди корхона раҳбари Адҳамжон Ҳасанов. — Кунига 7 тоннагача пахта хомашёсини қайта ишламоқдамиз. Дастлабки маҳсулотларимиз Россия ва Туркияга экспорт қилинди.

### Тошкент шаҳри

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги Қўшма мажлисида тақдим қилинган «Мамлакатимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни ўрганиш ва амалга ошириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Орамиздаги одамлар

*Бугунги кун аёлини чин маънода бахтли дейиш мумкин. Турли йўналишларда фаолият юритаётган юртимиз хотин-қизлари амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ва изчил ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланишмоқда. Улардаги бунёдкорлик ҳисси ва интилиш атрофдагиларни ҳам шижоатга чорлаётир.*

*Оҳангарон тумани «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Гулчеҳра Пўлатова шу маънода ҳавасга лойиқ. Меҳнаткаш ва камтар, шижоатли, кўнгли очиқ, доимо кулиб юрувчи бу аёлнинг кўпчиликка фойдаси тегади. Эл ишига камарбасталик дилига жо бўлган.*

## Яхшилик яхшиликка қувват



— Суягим меҳнатда қотган. Илгари оддий тикувчи эдим. Кейин фермер, тадбиркор бўлдим. Бугун эса раҳбарман. Мен эрта келинг, индин келинг, деган гапни ёқтирмайман, — дейди у. — Ҳузуримга келган ҳеч бир одам иши битмасдан кетмайди. Туманимизда 500 дан зиёд ҳунарманд ва фермер аёл бор. Уларни қўллаб-қувватлаш асосий вазифамиз ҳисобланади.

Г.Пўлатова 2006 йилда Республика «Меҳр нури» жамғармаси томонидан ўтказилган «Кичик ва ўрта тадбиркорлик, фермерлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар дастури» тендерида олий грант соҳибаси бўлди. Беш миллион сўмлик ютуқнинг ҳаммасига кам таъминланган аёлларга сигир-бузоқ, қўй-қўзи олиб берилди.

— Ушбу саъй-ҳаракатимиз туфайли хонадонлар сут билан таъминланди. Қолаверса, оила эҳтиёжидан ортгани даромад манбаи бўлиб хизмат қилаяпти. Бундан чексиз хурсандман.

Тонгда от миниб, дала айланаман. От фермер учун энг яхши улов-да. Турмуш ўртоғим Абдуманноп ака доимо менга кўмакдош. Биргаликда икки ўғил ва бир қизни вояга етказдик. У кишининг асл касби ҳайдовчи. Фермерликни яхши билгани учун бошқарувчилик қилади. Ҳар бир муваффақиятимда у кишининг ҳиссаси катта.

Г.Пўлатова бошқа тадбиркор аёллар бошқараётган хўжаликларда семинарлар ўтказади, маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этади. Кичик бизнесни ривожлантириш, кредит иши ва фоизларини қай тартибда тўлаш қонун-қоидалари ҳақида туман «Микрокредитбанк» билан ҳамкорликда тушунтириш ишларини олиб боради. Кечки пайт эса уйига қайтиб оддий қишлоқ аёли сифатида рўзғор ишлари билан банд бўлади.

Бу йил Гулчеҳра Пўлатовага янада омадли келди. У ишлаб чиққан фермер хўжаликлари учун доимий ҳаракатдаги маслаҳат-маълумот ўқув маркази ташкил қилиш лойиҳаси Ўзбекистон ишбилармон аёллар «Тадбиркор аёл» ассоциацияси вилоят бўлими томонидан маъқулланди. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига тақдим этилди. Лойиҳани амалга ошириш учун 15 млн. сўм давлат гранти ажратилди.

— Эзгу ниятларимни амалга ошириш учун ажратилган грант нур устига нур бўлди, — дейди Г.Пўлатова. — Ўқув зали ва хоналарини жиҳозлаш ва бошқа мақсадлар учун хусусий жамғармамиз ҳисобидан 6 млн. сўм қўшимча маблағ сарфлаш ниятидаман.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Томорқа хазина

### Ҳаракатда баракат

**Қишлоқда қариндошларимиз бор. Ака-уканинг бир-бирига туташ ҳовлиси бир пахса девор билан ўралган. Ҳар сафар уларникига меҳмонга борганимда ҳовлидаги манзарани кўриб, ҳайрон қоламан. Ёзда аканинг томорқасида помидор, бодринг, кўкатлар, картошка, пиёз, ҳандалак, қовоқ пишиб турган бўлса, укага қарашли ерни эса янтоқ босиб ётади.**

(Давоми 2-бетда)

*Мустақиллик йиллари Жиззах вилоятида аҳолига шахсий томорқа учун 21 минг гектар ер майдони ажратилиб, 191 минг хонадон бу ғамхўрликдан баҳраманд бўлди.*

### Оққўрғон мингтераклари

**янги турар-жой қурилишида асқотибгина қолмай, оилага даромад манбаи бўлиб қолмоқда**

Бахмалнинг олис Оққўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Ўрозбой ота саксон ёшни қаршилаётган бўлса-да ҳали тетик. Ўғиллари Абдуҳаким, Абдулла, Абдураҳмон ҳамда ўндан ортиқ набираларига бош бўлиб томорқасида ҳар йил куз ва эрта баҳорда мевали, манзарали дарахт кўчатлари экишга киришади. Ота барпо этган «Мингтерак» номли катта дарахтзор ёғочлари янги қурилаётган иморатларда ишлатилаяпти. Учала ўғил ҳам ана шу тераклардан уй қуришда фойдаланишди. Шунингдек, ўрик, беҳи, шафтоли, ёнғоқ каби мевали дарахтлар ҳар йили мўл ҳосил беради. Томорқадан олинаётган мева, сабзавот, полиз, картошка, пиёз, сабзи, гўшт, сут, тухум, асал каби маҳсулотлар оила дастурхонини тўкин қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Намунали бошланғич ташкилот




## Қалб қўри билан

«Ўзбекистон металлургия комбинати» очиқ акционерлик жамияти мамлакатимиз оғир саноатида муҳим ўрин тутади. Корхонада ўн мингдан зиёд 30 дан ортиқ миллат вакиллари меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 27 фоизи аёллардир.

38 та цехда касаба уюшма ташкилоти бўлиб, 267 та касаба уюшма гуруҳларига бўлинган. Аъзолар сони эса 11115 нафарни ташкил этади. Корхонада пўлат эритилиб, ундан 30 турдаги прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулотлар республикамизда олиб борилаётган улкан қурилишларнинг асосий хомашёси ҳисобланади.

Бу ерда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор қаратилиб, бир ойда 2,3 млрд. сўмлик сирли идишлар тайёрланмоқда.

Корхона тасарруфидаги 10 та болалар боғчасида 2500 нафар бола тарбияланаяпти. 100 ўринли санаторий-профилакторий, Чимён-Чорвоқ массивида 120 ўринли замонавий «Металлург» пансионати, йил давомида фаолият кўрсатадиган 360 ўринли «Ёшлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳи металлурглар ва уларнинг оила аъзоларига хизмат кўрсатаётир.

Комбинатда ўтган йили 168 та янги, жумладан, 53 та касаначилик иш ўрни ташкил этилган. Касаначилик бўлимида 162 нафар ишчи фаолият кўрсатаётган бўлиб, 138 нафарини аёллар ташкил этади.

ЎзКУФ томонидан ташкил этилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида «Ўзметкомбинат» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси «Саноат» йўналиши бўйича 2-ўринга муносиб топилди.

Жамият бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Илҳом Қурбоновдан қўлга киритилаётган ютуқлар сири ҳақида сўраганимда: «Гапирсам, мақтанчоқликка айланиб қолади, яхшиси, ишларимизни кўзингиз билан кўринг», — деди.

(Давоми 2-бетда)

Нодавлат сектор

## Қўшма корхонада касаба уюшма ташкилоти

***Гулистон шаҳридаги «Хабиб текс» қўшма корхонаси ташкил этилганига унча кўп бўлгани йўқ. БАА давлати ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган корхона 200 дан ортиқ ишчи ва хизматчиларни ўз бағрига олди. Катталар ҳамда болалар ички ва устки кийимини тикишга мўлжалланган корхона маҳсулотлари ўзининг сифати ва бежиримлилиги билан харидорлар назарига тушди.***

— Корхонамизда асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Устоз-шогирд тизими асосида коллеж битирувчилари билан шартномалар тузган ҳолда ишга таклиф этмоқдамиз. 2011 йилда 25 нафардан ортиқ битирувчини иш билан таъминладик. Айни пайтда янги иш ўринлари яратиш бўйича иш олиб борилмоқда, — дейди корхона директори Отаназар Сотимов.

Яқинда қўшма корхона ишчи-хизматчиларининг таъсис йиғилишида касаба уюшма ташкилоти тузилди. Касаба уюшма қўмита ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди. Касаба уюшма қўмитаси раиси этиб Тоҳир Маҳмирзаев сайланди.

Таъсис йиғилишида вилоят истеъмол товарлар ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси И.Бўриев иштирок этиб, касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари ҳақида тушунтириш берди.

**Ўз мухбиримиз**

**«Инсонга наф келтириш —олий бахт» танловига**

*У одатдагидан анча кеч уйғонди. Тошкентдан ярим тунда қайтганди. Апил-тапил нонушта қилди-ю, ишхонасига отланди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмасининг туман кенгаши раиси этиб сайланганига ҳам ўн олти йил бўлибди. Йиллар кўз очиб юмгунча ўтибди-я...*

## Фидойи раис

Хаёл оғушида манзилга етганини сезмай қолди. Ишхонада уни бошланғич ташкилот раислари ва ҳисобчи Мавлудахон кутарди.

— Марказий кенгаш ташаббуси билан ўтказилган туман ва шаҳар бирлашган қўмиталари раисларининг ўқув семинари жуда қизиқарли ўтди, — деди Абдураҳим Шукуров. — Ҳамкасблар билан ўзаро фикр алмашдик, тажрибамизни бойитдик. Бошланғич ташкилот раислари учун ЎзКУФКнинг бешинчи, тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг эса биринчи қурултойлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида яна бир бор гаплашиб олдик. Шунингдек, «Бошланғич ташкилотлар учун қўлланма»нинг касаба уюшма органлари ишларини ташкил этишдаги аҳамияти, меҳнат муҳофазаси, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси, ижтимоий шериклик, Бош келишув, ҳудудий келишув ва жамоа шартномаларининг меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишдаги ўрни ҳамда миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва бошқалар тўғрисида талай янгиликдан воқиф бўлдик.

50 дан зиёд бошланғич қўмита раислари унинг сўзини эътибор билан тинглашди. Ўша кун жуда мазмунли кечди, вақт ўтгани ҳам сезилмади.

(Давоми 3-бетда)

Нашр индекси — 133
Тўлиқ бир йил учун расмийлаштирилган имтиёзли обуна индекси — 3133

"Ishonch" – Сизнинг газетангиз



Ishonch

2011-yil 15-noyabr № 136 (3017)

● Миллатлараро тотувлик



*Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.*

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси**

# Шу муқаддас юртда топдим бахтимни

Бош қомусимизда мамлакатимизда яшаётган кишилар миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, жинси, жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эгалиги, қонун олдида тенг жавобгар эканлиги қайд этилган.

Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган рус, туркман, татар-бошқирд, араб, корейс миллий маданият марказлари ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Миллий маданият марказлар ташаббуси билан маҳаллалар, шаҳару қишлоқларда халқлар дўстлиги фестиваллари, «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Шу азиз Ватан барчамизники», «Ўзбекистон — ягона Ватан», «Қудратимиз дўстликда», «Дўст билан обод уйинг», «Мустақил юрт — обод юрт», «Кўзим қароғидасан, Ватан», «Тинчлик — энг олий неъмат», «Эгаси бор юртнинг эртаси бордир», «Энг азиз, энг улуғ қадриятларимиз» мавзуларида давра суҳбатлари, дўстлик учрашувлари ўтказилаяпти.

Шаҳрисабзнинг Ҳисорак, Сарчашма, Ғилон, Китобнинг Варганза, Деҳқонободнинг Бошчорбоғ, Касбининг Қамаши, Миришкорнинг Помуқ, Жейнов қишлоқларида, Нишоннинг Талимаржон, Нуристон шаҳарчаларида ўтказилган дўстлик фестиваллари халқлар дўстлиги ва биродарлигининг ҳақиқий тантанасига айланди. Қатнашчиларда катта таассурот қолдирган бундай тадбирларда вилоятимизнинг таниқли олимлари, шоир ва ёзувчилари, санъатимиз вакиллари иштирок этдилар.

Миришкор туманида Истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Қаҳрамони Муродилла Саидов ташаббуси билан ташкил этилган араб миллий маданият маркази фаолият кўрсатмоқда.

— Қишлоғимиз аҳлини ўзбеклар билан бирга араб, тожик, қозоқ, татар-бошқирд миллати вакиллари ҳам ташкил этади, — дейди ҳозирги вақтда мазкур марказга раҳбарлик қилаётган, вилоят кенгаши депутати Холиқберди Бобомуродов. — Қадимий ҳунарларимизни ёшларга ўргатиш мақсадида марказ қошида арабий гилам, қуроқи сўзана тикиш ва тўқиш тўгараклари ишлаб турибди. Қишлоғимизда фаолият кўрсатаётган «Ал-арабия» араб миллий рақс ва куй-қўшиқлар бадиий ҳаваскорлик жамоаси вилоятимизда ва республикада ўтказилаётган турли маданий тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Дарҳақиқат, «Ал-Арабия» фолклор-этнографик дастаси Тошкентда уюштирилган «Халқлар дўстлиги» фестивалида иштирок этиб, «Гран-при» мукофотига сазовор бўлди. Русларнинг «Сударушка», татар-бошқирд миллий маданият марказининг «Куёш», корейсларнинг «Баҳор», туркманларнинг «Сарвиноз» бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳам тадбирларга файз киритмоқда.

Китоб туманидаги Паландара қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 26 қишлоқ, 11 та мактаб, 1 та касб-ҳунар коллежи, 2 та санаторий, кўплаб қадимий зиёратгоҳлар бор. Айниқса, тоғлар бағридаги Обиканда қишлоғи ўзининг ям-яшил ва сўлим табиати, ширин суви, экологик тоза мева-чевалари, энг муҳими, фидойи ҳамда меҳнаткаш кишилари билан ажралиб туради.

— Ҳудудимиздаги 5 та мактабда дарслар тожик тилида олиб борилади, — дейди қишлоқ оқсоқоли Маҳмашариф Рўзиев. — Ўзбеклар ва тожиклар қуда-анда бўлиб кетишган.

— Аждодларимизнинг Ўзбекистонга келганига етмиш йилдан ошди, — дейди Қарши туманидаги «Лева» фермер хўжалиги раиси Л.Ким. — Бу азиз юрт улар учун қутлуғ масканга айланди. Кўнгли очиқ, меҳри дарё, танти одамлар юртида яшаётганлигимдан фахрланаман.

Кун сайин чирой очиб, жаҳон майдонида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган она диёримизда турли миллат ва элат вакиллари тинч ва хотиржам яшаётганлигини кўриб, ҳис этиб, қалбимиз қувонч ва фахрга тўлади.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

● Ўзбекистон кубоги – 2011

# Муҳим ғалаба

**Юртимизда футбол мавсумини одатдагидай мамлакат кубоги финал беллашуви якунлаб берди. Кубокни қўлга киритган жамоа Осиё чемпионлар лигасида тўп суриш ҳуқуқига эга бўлиши мусобақанинг бошдан-охиригача муросасиз ўтишига туртки бўлди.**



Бу йилги финалда Тошкентнинг «Пахтакор» ва Қаршининг «Насаф» жамоалари ўзаро куч синашди. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан ҳужумга зўр берган пойтахтлик чарм тўп усталари бешинчи дақиқадаёқ рақиб дарвозасини ишғол қилди. Истеъдодли ёш ҳимоячи Даврон Ҳошимов бошлаган комбинацияни Иракли Климиашвили самарали якунлаб, ҳисобни очди. Биринчи бўлим ўрталарида Александр Клецков Шерзод Каримов оширган тўпни боши билан «Насаф» дарвозаси тўрига жойлаб, жамоасига иккинчи голни туҳфа этди.

Қаршиликлар иккинчи бўлимда вазиятни ўнглашга ҳаракат қилган бўлса-да, «Пахтакор» ҳимоясини ёриб ўтишнинг имконини тополмади. Аксинча, пойтахт вакиллари 80-дақиқада рақиб дарвозасини учинчи маротаба аниқ нишонга олди. «Насаф» ҳимоячилари хатосидан унумли фойдаланган Дилшод Шарофиддинов тўпни Иракли Климиашвилига узатди. Грузиялик легионер эса рақиб посбони Дмитро Казаченкони доғда қолдириб, ўзининг финалдаги иккинчи тўпини киритди.

«Пахтакор» ҳимоячилари сўнгги дақиқада хатога йўл қўйишди. Акбар Исматуллаев рақиб ҳужумини қайтариш чоғида ўз жарима майдончасида ўйин қоидасини бузди. Учрашувни бошқарган ФИФА рефериси Равшан Эрматов томонидан белгиланган пенальтини аниқ бажарган Жаҳонгир Жиямуродов ҳисобдаги фарқни биттага қисқартирди. Ўйин охиригача ҳисоб ўзгармади.

«Пахтакор» ўн биринчи марта Ўзбекистон кубоги ва келгуси йили Осиё чемпионлар лигасида ўйнаш ҳуқуқини берувчи йўлланма соҳибига айланди.

Таъкидлаш ўринлики, келгуси йили жорий мусобақада «Пахтакор»дан ташқари «Бунёдкор» ва «Насаф» жамоалари юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

● Таэквондо

# Сочида байроғимиз баланд кўтарилди

***Россиянинг Сочи шаҳрида таэквондо ITF йўналиши бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.***



Ўндан зиёд давлатдан таэквондочилар қатнашган турнирда ҳамюртимиз, таэквондо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Санжар Олимов икки марта шоҳсупага кўтарилди. Тажрибали спортчимиз массоги беллашувида олтин, тиль баҳсларида кумуш медални қўлга киритди.

Спортчиларимиздан Жаҳонгир Аъзамов, Комрон Искандаров, Жаҳонгир Абдураҳимов, Фарангиз Алиева ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллашди.

● Бокс

# Барча медалдан бор

***Қозоғистоннинг Актау шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда юртимиз чарм қўлқоп усталаридан тўрт нафари совриндор бўлди.***



Ҳамюртимиз Олим Ҳусанбоев барча учрашувларни ғалаба билан якунлаб, халқаро турнирнинг олтин медалини қўлга киритди. Алишер Маҳмудов кумуш медалга сазовор бўлган бўлса, оғир вазнли боксчилар баҳсида муваффақиятли қатнашган Муҳиддин Маҳкамов ва Фарруҳ Қиличевга бронза медал насиб этди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

● Тадбир

# Офарин, билимдонлар!

***Қарши шаҳрида Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан соҳа билимдонлари иштирокида «Тафаккур» телеўйини ташкил этилди.***

Телеўйин ғолибларига ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган тадбирда соғлиқни сақлаш соҳасида самарали меҳнат қилган 25 нафар ходим Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги ва соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг «Ҳурмат ёрлиғи» ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.***

# Совғалар топширилди

Шунингдек, ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Энг намунали ҚВП», «Тез ёрдам станциясининг малакали шифокори», «Тез ёрдам станциясининг энг интизомли автомашина ҳайдовчиси», «Энг намунали тез ёрдам станцияси» кўрик-танловлари ўтказилиб, ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Лизахан БАЙБОСИНОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси**

Мирзо Улуғбек туман ҳокимиятида 2009 йил 2 феврал 004431-04-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «VIKMANUR SERVICE» МЧЖ таъсисчилар умумий мажлисининг 2011 йил 3 ноябрдаги 3-сонли баённомасига асосан жамият устав жамғармаси 280 375 000 сўмдан 253 414 226 сўмга камайтирилганини хабар қилади.

● «Обуна – 2012»

# «Ishonch»ни севиб ўқиймиз...



***Юртимизда чоп этилаётган нашрлар ичида «Ishonch» газетасининг ўз ўрни бор. Чунки газетамиз биз касаба уюшма вакиллари учун зарур янгилик ва маълумотларни чоп этиб келади.***

Тан олиш керак, айрим ҳолларда газетанинг «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукнидан ўзимизга керакли кўплаб масалалар ечимини билиб оламиз.

Бугун газеталарга обуна жадал суръатларда давом этмоқда.

Бирлашган қўмитамиз ҳам келгуси йил учун «Ishonch» газетасига 50 та ва «Ishonch-Доверие» газетасига 10 та обунага аъзо бўлди. Келгусида обунани янада ошириш ниятидамиз.

**Абдураҳим ШУКУРОВ,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Балиқчи туман бирлашган қўмитаси раиси**

● Журналистика соҳасида

# «Ватан азиз, жасорат мангу»

## республика танлови

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Миллий телерадиокомпания, Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Матбуот ва ахборот агентлиги, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда журналистлар ўртасида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги шонли сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллигига бағишланган «Ватан азиз, жасорат мангу» республика танловини эълон қилади.**

**Танлов «Ватан ҳимояси – муқаддас бурч» деган туйғуни юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришга қаратилган бўлиши керак. Танловга тақдим этилган ижодий ишларда Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, сарҳадларимиз дахлсизлигини, осмонимиз мусаффолигини, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати чуқур таҳлил этилган ва ҳар томонлама ёритилган бўлиши лозим.**

**«Ватан азиз, жасорат мангу» танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича ўтказилади:**

**— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари (1-, 2-, 3-ўрин);**

**— тележурналистларнинг кўрсатувлари (1-, 2-, 3-ўрин);**

**— радиожурналистларнинг эшиттиришлари (1-, 2-, 3-ўрин);**

**— интернет нашрларидаги материаллар (1-, 2-, 3-ўрин).**

**Танлов ғолиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:**

**1-ўрин ғолиблари — ноутбук;**

**2-ўрин ғолиблари — компютер тўплами;**

**3-ўрин ғолиблари — замонавий рақамли телевизор.**

**Танловни ўтказишда иштирок этаётган ҳамкор ташкилотлардан Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам ўзининг рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.**

**Танловда ижодий уюшмалар ва агентликлар, ОАВ жамоалари ва ходимлари, соҳалар бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, мустақил ижодкорлар иштирок этишлари мумкин.**

**Танловга 2011 йил давомида газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар (камида 5 та) 2011 йилнинг 20 декабригача қабул қилинади.**

**Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида тантанали равишда топширилади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.**

**Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:**

**— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;**

**— муаллифнинг паспорти нусхаси;**

**— иш жойидан тавсиянома;**

**— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.**

**Ижодий ишлар «Ватан азиз, жасорат мангу» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87**
**www.journalist.uz**

Insonga naf keltirish – oliy baxt

**Muassis:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:**
133

**Navbatchi muharrir:**
A. Toshev

**Navbatchi:**
S. Abdurahmonov

**Musahhih:**
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.00

Буюртма Г — 1111

12968 nusxada bosildi

2345